



ҚОНУН ВА ИЖРО

НОТАРИАЛ ХИЗМАТ:

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Маълумки, Ўзбекистон Конституциясида инсон эрк-хуқуқларининг мукамал кафолатлари ўз ифодасини топган. Айниқса «Нотариат тўғрисида»ги янги қонун мамлакатимизда инсон хуқуқлари, унинг мол-мулки, умрбод дахлсизлигини ҳимоя қилувчи муҳим ҳужжат сифатида алоҳида аҳамиятга эгадир. Ушбу қонун нотариал хизмат соҳасида янгича ёндашувларни тақозо этади. Фарғона вилоят ядлия бошқармасининг етакчи мутахассиси Дилоромжон Болтабоева шу муносабат билан мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

лойиҳаларини тузиш, ҳужжатлардан нухса олиш, ҳуқуқ амалиёти юзасидан маслаҳатлар беришда бевосита иштирок этишлари мумкин. Янги қонунга биноан нотариусларга жисмоний ва юридик шахслардан ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни, маълумотларни талаб қилиш ҳуқуқи ҳам кафолатланган.

Маълумки, шарқ халқлари тарихида мулк ва мулкдорлик, меросхўрлик аъёнлари алоҳида нуфуз ва қадр-қимматга эга. Ана шу муҳим жиҳатларни эътиборга олган ҳолда нотариуслар мерос қолдирувчи ва меросхўр ўртасидаги қариндошчилик фақтларига оид ҳужжатларни, жамгарма банкларидаги омонатларнинг бор-йўқлигини бемалол сўраб-суриштириб, вазиятга аниқлик киритишлари мумкин.

Аниқлик ва холислик эса бизнинг ишимизда муҳим аҳамият касб этади. Умуман, янги қонун нотариус идоралари фаолиятини бир мақсадга йўналтириш, масалаларни одилона ҳал этишда жуда қўл келтириб. Нотариусларимиз эндиликда жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва манфаатларини ҳимоя қилишда яқиндан ёрдам беришарди. Албатта, қонун устуворлигини таъминлаш учун тарғибот ва ташвиқот ҳам керак. Шу мақсадда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, мустақил мамлакатимиз қонунчилиги оид кенг тушунириш ишлари олиб боришмоқда. Агар фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонун талаблари бузилган бўлса, нотариат ходимлари бу ҳақда тегишли орган ҳамда муассасаларга хабар бериш ҳуқуқига эгадирлар.


Қисқа қилиб айтганда, нотариал хизмат даражаси сифат жиҳатидан ўсиб, соҳа ходимлари жамиятимизнинг фаол аъзоларига айланиб бормоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтирилаётганлиги бежиз эмас. Нотариал хизматга қўйилаётган талаб ва мезонлар ҳисобга олиниб, зарур шарт-шароитлар яратилмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзида Фарғона ва Марғилон шаҳарларидаги иккита нотариал идора янги бинаго кўчиб ўтганини бунинг исботидир.

Вилоят адлия бошқармаси ҳозирги иқтисодий шароитда аҳолига энгиллик яратиш йўллариини изламоқда. Шу йилдан эътиборан уруш қатнашчилари, ногиронлар, нафақахўрларга нотариал идораларда техник хизмат кўрсатиш бепул амалга ошириляпти. Фарғона вилоятида 300 миңдан ортиқ фахрийлар, ногиронлар борлиги эътиборга олинса, улар учун катта имтиёз яратилганлигини идрок этиш қийин эмас.


Очиги, юридик маълумотга эга бўлган ҳуқуқшунослар илгари нотариал идораларда ишлашга кўпм хоҳиш билдиришарвермасди. Энди эса муносабат бошқача. Нотариат соҳасида ўз ишининг билимдонлари кўпайиб бормоқда. Фарғона шаҳридаги 1-давлат нотариал идораси бошлигининг ўринбосари Иродахон Бекмирзаева, Қўқонлик Мастураҳон Иброҳимова, дангаралик Маҳмуджон Умаров, Ўзбекистон туманилик Фазлиддин Ҳожиматов ана шулар жумласидан. Улар аҳолига сиққидилдан хизмат кўрсатиб, кўпчилик ҳурматини қозонишмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлаш биз, нотариус ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шундай экан, ишимизнинг шакл ва услубларини ўзгартиришимиз, давр билан ҳамоҳанг қадам ташлашимиз лозим. Бу нафақат касбий, балки муҳим фуқаролик бурчимиздир.

«Халқ сўзи» мухбири Набижон СОБИРОВ ёзиб олди.



Урганчдаги «Алоқа-ДЭУ» қўшма корхонаси йилига 300 миң дон телефон аппаратлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Бу ерда ишлаётган мутахассислар Жанубий Кореядаги турдош корхоналарда малака ошириб келишган. Тайёрланаётган маҳсулотнинг 70 фоизи республика эҳтиёжи учун, қолган қисми эса хорижий бозорга экспортланади.



рижса жўнатиляпти. СУРАТЛАРДА: йиғув цехи устаси Ж. Олимов; рақамли коммутатор тизими тармоғи; муҳандис Қ. Қурбонов.

А. МУРОТОВ олган суратлар.

БОШҚАРУВНИНГ ҚҲЙИ БЎҒИНЛАРИДА

ВАТАН ОСТОНАСИ

Маҳалла -- бизни катта Ватанга йўлловчи остона. Бу остонани босиб ўтган одамнинг дилида ўт, калбида юрт ишқи яшайди.

Маҳаллада оқсоқоллик қилиш ҳам санъат. Бундай мартаба ҳурмат-иззатли, одампарвар инсонгагина топирилади. Зеро, халқнинг ўю ташвишига, дарду-қувончига шерик бўлиш ҳаммининг ҳам қўлидан келарвермайди. Биз Бухоро шаҳридаги Фитрат номи 10-сон маҳалла фуқаролар йиғинининг бир кунлик иши билан танишиб, шунга амин бўлдик.

Шу кунни йиғин раиси шаҳар кенгаши депутати Даврон Остоновга йигирма тўрт киши ўз ташвиши-ю, муаммоси билан мурожаат қилди. Маҳаллада 50 та уруш фахрийси яшар экан. Улар 80 ёшга тўлганликларини ҳаммалари нишонлаш ниятида эканликларини айтишди. Оқсоқолнинг хечрасига илтиқил югуриди. Ахир, бу воқеани шаҳар миқёсида нишонлаш лозим,

дий ёрдам кўрсатилди. 16 ёшга тўлмаган болалари бор ота-оналардан 12 киши эса нафақа сўраб ариза берди. Бир кунда қилинган ишларнинг ҳаммаси номма-ном саналса, рўйхат жуда ҳам узун бўлиб кетди. Энг муҳими уларнинг деярли барчаси ижобий ҳал этилганли.

Даврон акага раҳмат айтиб, чиқиб кетаётган инсонларнинг юз-кўзларига қараб, хайриятнинг кўтарилади. Узаро тотувлик, ҳамкорлик бор жойда ҳар қандай муаммони ечиш мумкин экан.

Фуқаролар йиғини ўз ҳудудидаги ёлғиз яшайдиган ўн кишини оталиғига олган. Ҳар кунни уларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турилади, зарур маҳсулотлар етказиб берилади. Фуқаролар йиғинининг учта ҳисоб рақами мавжуд. Иккитаси республика Вазирлар Маҳкамаси қарорларини амалга ошириш учун очилган бўлса, биттаси йиғиннинг ўз жорий рақамидир. Ҳозир унда 300 миң сўмдан зиёд пул бор. Даврон ака фуқаролар йиғинининг ўзига хос тадбирларини ўтказишда,

аҳволи жуда ҳам ночор оилаларга қўмақлашишда жорий рақамдан фойдаланади, холос. Масалан, худди шу жорий рақам маблағидан 1-гурӯх ногирони Мустафо Каримов Тошкентда даволаниб қайтди. Иккинчи гурӯх уруш ногиронлари Виктор Карастелов ҳамда Тагир Фозиловларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Маҳаллалардаги тадбирлар, айниқса вилоят прокуратураси ҳамда ички ишлар бошқармаси ходимлари билан ўтказилаётган учрашувлар туфайли жиноятчилик олдинги йилларга нисбатан анча камайди. Баъзан фуқаролар йиғини идорасида сайёр судлар ҳам уюштирилмоқда. Бу ёшлар учун тарбия вазифасини ўтаётир, десак муболага бўлмас. Бундан ташқари бозор иқтисоди шароитида тўй-томошаларни ихчамлаштириш борасидаги ҳаракатлар ҳам ўз самарасини бераётир. Бу ердаги учта савдо дўкони пештахталарида саккиз турлаги озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳаммасини ураттиш мумкин. Аҳолига манший

хизмат кўрсатиш марказлари ҳам ишлаб турибди.

10-сон маҳалла чегарасида етти тарихий обида мавжуд. Қувонарли жиҳати шундаки, ҳар бир тарихий обида учун жавобгар шахслар тайинланган. Яқинда таъмирлаб бўлинган Қўш мадраса атрофида 500 та мевали кўчатлар ўтқазилиб, обод қилинибди.

Бу ерда мактаб, маҳалла ва ҳомий ташкилотдан иборат учлик узаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйган. Оилавий шароити оғир бўлган мактаб ўқувчиларини маҳалла оқсоқоли оёқ-кичим ва ўқув қўроллари билан таъминлайди. Қолаверса, йиғин энг аълочи ўқувчиларга «Фитрат» номидаги стипендия ҳам берапти. Нафақага чиқаётган ўқитувчилар эса хайрлашув кечасида маҳалла томонидан моддий ёрдам олишмоқда. Албатта, ҳомий ташкилотлар ҳам бундай савоб ишларни амалга оширишда қўмагини аямаяпти.

Даврон ака олтимси ёшга кирганига қарамай, тиниб-тинчимади. Маҳалла аҳлининг яхши ҳаёт кечириши йўлида ҳали кўп тадбирларни амалга ошириш ниятида. Шундай инсонлар қўмағида юртимиз обод, турмушимиз фаровон бўлишига шубҳа йўқ.

Маннон ОТАБОЙ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТЕМИРЎЛЧИЛАР МАНАФАТИ УЧУН

Кўнғиротда 64 хонадонга мўлжалланган янги кўп қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

Барча қулайликларга эга бўлган мазкур бина «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг Орол бўйи темир йўл бўлими хизматчилари учун яна бир ажойиб тўхфадир.

Мазкур иморатни тез ва саз бунёд қилишда унинг бош пудратчиси -- «Ўзбекистон темир йўллари»га қарашли йўл қурилиш трестининг 748-қурилиш монтаж поезди жамоасининг улуши катта бўлди.

Ҳ. АБДУСОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Яккабоғ туманида фаолият кўрсатаётган «Гулшан» хусусий корхонаси хизматчилари кўрсатаётган турли манший хизматлар аҳолига манзур бўлмоқда. СУРАТДА: тикув цехи ишчиси И. ҚУРБОНОВА.

Т. КАРИМОВ олган сурат.



ЁШЛАР ТАРБИЯСИ -- ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Ёш авлод жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлиши учун уларни қандай тарбиялаш, назарий билимларни ўргатиш билан бирга меҳнат кўникмаларини қандай сингдириш, ёшларнинг бўш вақтини қандай мазмунли ташкил этиш мумкин?

Бу масалалар Наманган вилоятида бўлиб ўтган «Давлат, жамият, оила ва ёшларни тарбиялаш муаммолари» мавзусидаги анжуманда муҳокама қилинди. Унда ёшлар муаммолари билан шуғулланадиган барча давлат ва жамоат

ташкilotларининг вилоят бўлимлари вакиллари иштирок этди. Ёшларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, улар катта ҳаётга яхши тайёрларлик билан, ўз билимлари ва имкониятларига ишонган ҳолда қадам қўйиш-

(ЎЗА).

Advertisement for Uzdunrobita cellular service. It features a Nokia mobile phone and text in Uzbek: 'UZDUNROBITA cellular', 'Сиз Тошкентда яшайсиз. АКШ, Канада, Исроилда уяли телефон сотиб олдингиз... Уни бизда тармоққа уланг!', '1997 йил 5 майдан бошлаб', 'сизнинг шахсий уяли телефонингизни улаш учун 42-63 фоиз чегирма!', '1200 \$ 700 \$ 1200 \$ 450 \$', 'Ҳақи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлаов тўлаов кундаги курси бўйича сўмда қабул қилинади. "Уздунробита"нинг Тошкентдаги кеная кундуз ишлайдиган маълумотнома хизмати телефон рақами - 611 (абонентлар учун) ва 30-09-09. Абонентлар учун барча кўнғироклар - бепул.'

Бўлажак Дипломатлар -- Олимпиада Ғолиблари

«Ўзбекистон иқтисодийети жаҳон хўжалиги тизимизда» мавзусида мамлакатимиз олий ўқув юрталари иқтисодийет факультетлари талабаларининг республика олимпиадаси ўтказилди. Еттита олий ўқув юртининг энг яхши талабаларини холис имтиҳончи -- компьютерлар биринчи марта синовдан ўтказди. Бу синов Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, унинг ташқи иқтисодий алоқалари, республика иқтисодийетининг ижтимоий жиҳатлари ҳамда иқтисодийетни ислох қилиш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўллариини яхши билишни талаб қиларди. Тошкентдаги жаҳон иқтисодийети ва дипломатия давлат университетининг халқаро иқтисодий муносабатлар факультети учинчи курс талабалари Б. Фафуров, К. Нурматов ва А. Жўрабоев олимпиада ғолиби бўлишди.

Тест синовлари натижаларига кўра, Тошкент иқтисодийет университети талабалари иккинчи, Самарқанд давлат университетининг бўлажак иқтисодчилари учинчи ўринни эгалладилар. (ЎЗА).



## КИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

**-- Берсанг ейман, урсанг ўламан қабилда кун кўрувчи кишилар билан мен чой ичмайман, -- дейди, Боёв туманидаги Усмон Юсупов номли ширкатлар уюшмасининг Куюктепа кишлоғида истикомат қилувчи 70 ёшли**

**мехнат фахрийси Мирза ота Матисаев. -- Чунки улар ўта ялқов ва боқимандлик дарадига грифтор кимсалардир. Бу одамларнинг ҳаётдан нолишларию, рўзгор қийинчиликлари ҳақидаги гаплари кўнглимга совуқ сувдай уриб кетган.**

ринг экиш, қовун чопиш, сабзи ва картошка парваришлари ўрганиб олишди. Ҳозир Гулистоннинг бозоридаги бодринг ва сабзимизни, анору картошкани кўриб «Сиз Мирза аканинг ўғлимисиз, келинимисиз» деб фарзан-

дий -- бунга эҳтиёж йўқ. Ош ейлиб, қўлар артилгач, ҳар оқшомдаги каби бола-бақра «ойна жаҳон» қаршисига қалдирғоч болаларидай тизилиб ўтиришди. Улар роса ўттиз бешта. Ана энди дам

қўшилман, -- дейди, Мирза ота бизни томорқа айланганга бошлаб борар экан. -- Қаранг, ота-бобомиз ўқизининг яринига тегиб тушган бугдой аввалгиларга қараганда кечроқ пишшини пайқашган. Нег

# МИРЗА ОТАНИНГ ТАШВИШ ВА ҚУВОНЧЛАРИ

ларимни таниб олишди. Сабаби бизнинг молимиз кўриниши, маззаси билан алоҳида ажралиб турди-да...

Мирзаўлда эртаги бодринг, эртаги қовун ва энг биринчи пийези Сирдарё, Гулистон ҳамда Боёв туманларидаги тўрт-бешта деҳқон чиқаради. Ана шу кимдиди пойгадига ота, мана йигирма йилдирки, бошқаларга этакини ушлаб келаяпти. У одам бошқаларга ушлаб вагон-вагон маҳсулотни Россияга ёки Украинага ташиб юрмайди. Бировлар ўн машина маҳсулот сотиб топдиган пулни бир машина юк билан топди қўяди. Отанинг гапига қараганда ҳаммасининг бош сабабчиси сара уруғ, ундурдор ер ва меҳнат экан.

Хосил пишиб етилган келлари Матисаевларнинг хонадони чўп суқилган асалари уюшга ўхшайди. Келин ва неваралар томорқадаги ҳосилни териб олишди. Икки нафар ўғил бозорга маҳсулот ташиди. Икки нафар Матисаевчилар эса бозорда савдо қилади. Ота билан Нуринос хола эса ҳам пул санашали, ҳам ошпазлик қилишди. Бош қашинга кўла тегмайдиган кўнлар узони билан ўн беш-йигирма кун давом этади. Кейин хонадонда ош дамланади, умумий даромад эълон қилинади. Булажак тўй, бир йиллик кийим-бош, учта энгил машинанинг таъмиридан ортиб қоладиган даромадга ўғит ва чорва моллари харид қилинади. Ойлада бозордан ҳеч нарса сотиб олмастик анъана тусига кирган. Сабаби жуда ҳам ол-



олиш, мириқиб ушлаш, тўрт-беш кун оёқни узатиш мумкин. Аслида кўпчилик шундай йўл тутди. Аммо Матисаевларда бунинг мутлақо акси. Тонг отиши билан бутун оила бодринг ва қовундан, пийез ва эртаги картошкандан бўшган майлонлардаги палакани, хас-хашакни йиғиштириб, ерни шугорлашга киришади. Чунки бу ерга кечки картошка, сабзи, шолғом, турп ва маккажўҳори экилиши керак.

-- Деҳқончиликда вақтдан зўр ҳакам йўқ, «Вақтинг кетди -- нақдинг кетди» деган нақдга кимдир бир кўлини кўтариб қўшилса, мен иккала қўлимни ҳам кўтариб

билан тортишиб ҳам қоламан. Ростда, тўй маракада ўтириб, турмушнинг оғирлигидан нолигунча, фарзандларимизга меҳнат қилишни, пул топишни ўргатсак бўлмайми? Ахир ҳукумат кишлоқдагиларга юз минг гектарлаб томорқани нега бериб қўйибди? Нега бу ерларнинг бир қисмида жаннат неъматлари эмас, шўрао оқбошлар ўсапти? Баъзилар дашномдан қўриқиб, томорқасига маккажўҳори экишади. Ана шу маккажўҳорини ҳам янана қилмай, унга сув тараб, ўғит бермай, баъзан қуритиб-қовжратиб юборамиз. Менинг гапларим кимгадир мақтаншайди туюлиши мумкин. Мен ишимни гапирган бўлсам бошқалар ҳам эргашсин, ўрнак олсин, деб гапиряйман. Мана, Куюктепа кишлоғини олайлик. Қовун-қовунни кўриб ранг олади деганларидай у эндиликда Мирзаўлдаги энг бой кишлоқлардан бирига айланди. Менинг ҳамқишлоқларим худди келинчага кўнги қўйган кўев боладай ерга кўнги қўйди. Пул деганлар меҳнатнинг чўнтагидан чиқади. Пул бўлса яқин, тўй-томошалар, маъракалар қилиш мумкин.

Отанинг ордидан бораёғимиз. Плёнка остидаги бодринг ниҳоллари аллақачон биринчи чопиқдан чиқарилибди. Пийезлар гуркираб ўсапти. Сабзи жўякларини ҳам ям-шил бўлиб ётибди. Баъзи хўжалиқлар эндигина картошка экаётган бир маҳалда бу томорқадаги картошка ниҳоллари бир қарич бўлиб қўша таллинмоқда. Ота кўй қўрасини шамол тегадиган, шабада айлиниб юрадиган қилиб қурган. Молхониси эса ёғ туша алағудек бўлиб турибди.

-- Ота, тўғриси айтгин, бир йилда қанча даромад қиласиз? -- Тўғриси айтмай, бировдан кўрқаримдим. Сабаботу анордан, сипиру қўйлардан йилга иккита-учта машинанинг пулини топамиз. Колганини ўзларинг ҳисоблаб олаверинлар, -- деди у маҳси-қалишга илашган чанг гўборни қоқар экан. -- Яқинда Мавлон билан Шўхрат ўғлимга алоҳида уй қўриб бериб рўзгорини бўлак қилдим. Бири қовун экди, иккинчиси сабзи, Шўмтакалар «Бу йил сиз билан биз мусобақалашмиш, қани кўраимиз, кимнор-бодринг олиб қайтаётган одамларни кўрсам энсам қотиб кетади. «Э мусулмонлар, нега боғингизда, ҳовлигизда ўзингиз болаларингиз ишламайди. Ахир қўлингиздаги ноз-неъматлар шаҳарликларнинг ризқи-қў! Бозорни қиммат қилётган, нарх-навоми кўтараятган сизлар эмасми?» деб баъзан улар

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ТАДБИРКОРЛИК ХЎЖАЛИК МЕНЕЖЕРИ

Карши туманидаги «Ипак йўли» жамоа-ширкат хўжалиги худудидаги Лев Ким бошлиқ деҳқон хўжалиги далаларида гўза шоналади.

Аслида бу плёнка остига чигит экишнинг шарофати. Андижонча усулнинг бошқа афзалликлари ҳам бор. Хусусан, илгари тупроқда нам тўплаш чун аввал суғориб, кейин ерга чигит қадаларди. Бу йил плёнканинг ер остидаги намни тўлаб, гўзанинг илдиз қисмига бера олиш қобилияти деҳқонларни ана шу ташвишлардан халос этди. Бу -- биринчиси. Иккинчидан, авваллари Карши дашти шароитида гўза тўрт марта суғорилган бўлса, жорий йилда икки марта оби ҳаёт таралади. Утоқ қилиш, яганалаш каби оғир юмушлар барҳам топди.

-- 60 гектар майдонга 3 тонна плёнка сарфлади, -- дейди Д. Ким. -- Агар ҳосилдорлиқни атиги 1,5 центнерга оширсак, бу харажат тўла қопланади. Ўтган йили гектаридан 40 центнердан ҳосил олинган эди. Бу йил 60 центнерни кўзлаб турибмиз. Даромад ҳам шунга яраша бўлади.

Деҳқон хўжалигида 23 киши меҳнат қилади. Бу ерда мўжазгина устахона, темирчилик цехи ҳам бор. Жамоа аъзолари эса ҳам даладаги, ҳам устахонадаги барча юмушларни бажара олади. Бугун тракторни бошқарса, эртага гўза чопиғида, беда ўримида, сабзавот парваришида ишлайди.

Ўтган йили Карши шаҳридаги пахта заводи билан тузилган шартнома асосида ҳосил бевоқиф дала-ларнинг ўзидан корхонага ташиб кетилди. Ҳар гектар ердан қарийб 150 минг сўмдан даромад олинди. Аъзоларнинг ойлик даромади 8 минг сўмдан ошди. Бундан ташқари, уларга етиштирилган пахтанинг чигитидан олинган 8 тонна ўсимлик мойи бепул тарқатилади. 28 тонна кунжа, 40 тонна шөллуха эса ёрдамчи хўжаликка берилди. Бу ерда 200 бош қўй, 100 бош қурка, 100 бош гоз боқилмоқда. Ҳар кун жамоа аъзоларига атаб икки марта бепул иссиқ овқат тайёрланади.

Деҳқон хўжалигининг 18 гектар майдонидаги бедаси ҳозиргача бир марта ўрилди. 7 гектар ерда озубоп лавлаги, 5 гектар пайкалда эса сабзавот, полиз экинлари парваришланмоқда. Эртанги сабзавот ҳосилидан ҳозир жамоа аъзолари баҳраманд бўлишяпти.

Илгари деҳқон хўжалиги раҳбари ҳар бир майда-чуйда юмуш учун шаҳарга, туман марказига, банк ва солиқ идорасига югурарди. Энди барча ташкилий ишлар хўжалик мудирини, яъни менежер зиммасига юклатилган. У техник ва эҳтиёт қисмлар, зарурий жиҳозлар ва ускуналарнинг нарҳини ўрганади. Корхонадан билан шартномалар тузади, банкдан хабар олади, деҳқон хўжалиги ҳисобига қаердан қанча маблағ тушганлигию, қанча харажат бўлаётганлигини аниқлаб, тегишли маълумотларни раҳбарга етказиб туради.

Буларнинг ҳаммаси ислохотлар самараси бўлиб; оддий бригаданинг сертароқ хўжалик сифатида фаолият юритишининг афзаллигини исботламоқда.

П. ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Чорванинг кети бир узилмасин экан. Ота-болаларимиз деҳқон деҳқонга бир йилда, чўпон чўпонга қирқ йилда етади, деб бевиз айтишмаган. Табиат инжиқликлари, қишининг изгирили келиши Тахтақўпир туманидаги «Мулк» қорақўлчилик хўжалиги чорвадорларига анча ташвиш келтирди. Бироқ, шунга қарамасдан туманда



қўлалиши мавсуми муваффақиятли яқунлади. Чўпонларнинг қувончи бир олам. Қўй-қўзилар майсадан алақачон тўйган, энди эт боғламоқда.

СУРАТЛАРДА: Б. Минжасаров чўпон бўламоқчи; қўйлар яйловда; бош чўпон С. Хошмуртов.

А. МУРОТОВ (ЎЗА) олган суратлар.

## ПИЛЛАКОРЛАР ЗАФАРИ

Шеробод тумани меҳнатқашлари «Кумуш тола» тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини Сурхондарё вилоятида иккинчи бўлиб бажардилар.

Қабул пунктларига 80 тонна ўрнига 81 тонна пилла етказиб берилди. Эришилган ютуққа, айниқса, Нуриддин Мурудов номли, «Ўзбекистон», «Тиллақош» жамоа хўжалиқларининг пиллакорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Туман хўжалиқларида пилла терими давом этмоқда. Меҳнат аҳли яна 15 тонна «кумуш тола» тайёрлашмоқчи.

Усмон Юсупов тумани Қашқадарё вилоятида биринчи бўлиб пилла етиштириш бўйича шартнома шартларини бажарди.

410 қути ипак қуртининг ҳар қутисидан 65 килограмдан пилла олинди. Қабул пунктларига 18 тоннадан зиёд қимматли санаят хомашиси топширилди. Ялпи хирмонни 20 тоннага етказиш мўлжалланаяпти. Баҳористон тумани пиллакорлари ҳам зафар кучди. Улар 8 тонна пилла топшириб, шартномавий мажбуриятларини бажарди.

Ўз мухбиримиз.

## «ЎЗДОНМАҲСУЛОТ» ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК КОРПОРАЦИЯСИ ВЕКСЕЛЛАРИ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Ўздонмаҳсулот» корпорацияси чиқарилган векселларни (Дон-001 ва Дон-002 серияли) белгиланган тартибда муддатидан илгари қайтариб олади. Векселлар «Галлабанк» давлат ихтисослашган акционерлик-тижорат банкининг барча вилоят ва туманлараро филиалларида қабул қилинади.

- Филиалларнинг манзиллари:
- Тошкентда: Лоҳутий кўчаси, 36. Навоийда: С. Айний кўчаси, 11.
- Андижонда: Чинобод кўчаси, 21. Самарқандда: Саттепо кўчаси, 148 а.
- Бухорода: Шевченко кўчаси, 19. Термизда: Зерновая кўчаси, 1.
- Жиззахда: Ивановск кўчаси, 34 пос. Гулистонда: Н. Маҳмудов кўчаси, 31.
- Нукусда: Қизкетан пр. 6-уй, 12. Фарғонада: Қурувчилар кўчаси, 13.
- Наманганда: Аҳси кўчаси, 2. Урганчда: Мир кўчаси, 20.

Маълумот учун тел: 56-74-85, 36-16-17

«Ўздонмаҳсулот» ДАК «Галлабанк» ДИАТЕ.

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси  
Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни қўлаб-қувватлаш фонди  
Тадбиркорлар ва мутахассисларни  
“Жунни қайта ишлаш”  
(29 май 1997 й. Бухоро шаҳрида. 28 май жойлашиш)  
“Мева ва сабзавотларни қуритиш”  
(30-31 май 1997 й. Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида)  
мавзуларида ўтказиладиган семинар-кеңашларга  
таклиф этади:

иштирокчиларни палата ва фонднинг худудий экспортни ривожлантириш марказларига мурожаат этишларини сўраймиз:

Бухоро ш., Навоий кўч., 3  
Навоий ш., Петров кўч., 26  
Андижон ш., Навоий кўч., 122  
Наманган ш., Носир кўч., 7  
Фарғона ш., М. Қосимов кўч., 62  
Самарқанд вил., Самарқанд ш., М. Улугбек кўч., 148  
Самарқанд ш., Ота-турк кўч., 10  
Тошкент ш., Путилов кўч., 210  
Гулистон ш., Навоий кўч., 46  
Жиззах ш., Ш. Рашидов кўч., 63  
Сурхондарё вил., Термиз ш., М. Қаҳҳор кўч., 18  
Қорақалпоғистон Рес., Нукус ш.  
Қашқадарё вил., Қарши ш., Мустақиллик кўч., 1  
Хоразм вил., Урганч ш., ал-Хоразмий кўч., 27

т: (36522) 35-867, 34-817 (модем)  
т: (43622) 33-284, 39-267 (факс), 06-116(мод)  
т: (37422) 65-060, 67-327 (модем)  
т: (36922) 67-100, 64-181, 64-321(модем)  
т: (37322) 47-655, 44-345(факс), 45-958 (мод)  
т: (36622)26-52-05,  
т: 33-73-96, 33-74-03 (модем)  
т: (3712) 65-26-44, 65-26-47(модем)  
т: (36722) 25-47-87, 25-07-00(модем)  
т: (37222) 31-560, 33-421 (факс)  
т: (37622) 37-752, 35-819 (факс)  
т: (36122) 78-663, 78-681 (факс)  
т: (37522) 45-267, 44-818, 30-693(модем)  
т: (36222) 65-244, 68-750(модем)

Экспорт марказлари ишини мувофиқлаштириш бўлими:  
Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 6-уй  
тел:(3712) 32-09-43, 32-09-42(факс-модем)

“ПАХТАБОД ИСТИҚЛОЛИ”  
Ҳиссадорлик жамиятига  
тегишли “Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси”  
гувоҳномаси 23.05.1996 йилда  
рўйхатга олинган  
№ АО-С/136 қайдномаси  
йўқолганлиги сабабли  
бекор қилинсин.

“КАФОЛАТ ИНВЕСТ”  
БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯСИ  
ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДИ  
DAROMAD Plus  
бир дона  
акция нархи  
100  
СЎМ  
хар бир  
акция  
600  
СЎМ  
актив билан  
таъминланган

ШОШИЛИНИ: ХИФ “Даромад Плюс” акциялари Халқ банки ва Турон банкнинг ҳамма шохобчаларида сотилмоқда. Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 8-уй, “Биржа Маркази”, 18-хона. Тел.: 320746, ички-300.

ХИФ “Даромад Плюс” акциялари фойдали ва ишончлидир.  
07.01.97 йил 460-сонли лицензия.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги давлат электралоқа корхоналарининг «Ўзбектелеком» концерни  
ТУГАТИЛАДИ  
Этирозлар эълон газетала чоп этилгандан сўнг бир ой ичида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Юнусобод тумани, А. Темур кўчаси, 24, телефон: 33-32-92.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ҳисобидан бўлган N042981, N042983, N017627 сонли дипломлар йўқолганлиги муносабати билан  
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Халқ сўзи» газетаси жамоаси таҳриринг бош расмони Абдор ОРИПОВга оғина  
Зарофат ва ОРНОВОВнинг  
вафот этишларини муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон телерадиокорпорацияси жамоаси республика радиосининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бўйича мухбири М. Қаримовга укаси  
Қаримов ХУСАИНОВИНГ  
бевект вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.


«Ўзғорқўриш» бирлигининг жамоаси 2-сон Самарқандпрокурорининг ҳиссалорлик жамиятининг раиси М. Х. Холмова кўч.  
ЗЕБИНСОЯВИНГ  
бевект вафоти муносабати билан чўқур тазия изҳор этади.

# САҲНАЛАРГА СИҒМАГАН ДУНЁ



**Тошкент киноанжуманининг «Умуминсоний қадриятлар ва миллий тараққиёт» шиори остида ўтиши бежиз эмас. Бу мустақил Ўзбекистон диёрларидаги кино байрамига янгича руҳ ва янгича мазмун бахш этиши шубҳасиздир.**

Ислом КАРИМОВ.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Кинофестивалнинг иккинчи куни меҳмонлар дастлаб пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейини зиёрат қилишди. Айтиш жоизки, жуда қисқа вақт ичида қад ростлаган ушбу муҳташам қаср ўзбек халқининг буюк аждоқлари руҳига бўлган чуқур эҳтиромининг ёрқин рамзига айланган.

Музейи оstonасига қадам қўйишимиз билан кўнгилларга галати туйғулар инди. Музей узра таралиб турган хазини музика оҳанги эса суронли тарих лаҳзаларини ёлга солади. Халқимиз ўтмиши, жаҳонгир Амир Темур ва темурийлар даври ҳақида ҳикоя қилувчи ашёларни кўздан кечиришаркан, ажнаний меҳмонлар ҳайратларини яшира олмадилар. Улар ҳар бир экспонатларга диққат билан разм солишар, таассуротларини бир-бирларига сўзлаб беришарди. Шунда япониялик кинорежиссёр Менико Окамоторининг «Ўзбек халқи тарихи ва маданияти билан яқиндан танишиш ниятидаман», деган гаплари ёдимизга тушиди ва фестивал қатнашчилари

орасидан уни излай бошладик. Ҳа, мана, Менико хоним ўрта асрларга оид жанговар қурол-аслаҳаларни диққат билан томоша қиларди...

— Музей сизга ёқдими? — сўрадик ундан.

— Жуда ажойиб экан! — деди тўққинлиб. — Биласизми, бу ерда ўзимча бир нарсани кашф қилдим, ўзбек ва япон маданиятида ўхшаш жиҳатлар ҳам мавжуд экан.

— Масалан?

— Яъни, сизларнинг чиройли зарлар юритилган буюк халқимизнинг миллий кийими — кимонога ўхшаб кетаркан...

Назаримизда, япон киноижодкорининг бу эътирофида жон бор. Негаки, қадим замонлардаёқ Буюк Ипак йўли орқали ўзбек ва япон халқлари ҳам доимий алоқада бўлишган. Шу тариқа улар бир-бирларининг маданияти, турмуш тарзи, урф-одатларидан ҳам ҳамма бохабар бўлишган бўлсалар, не ажаб. Қолаверса, санъат, маданият — чегара билмайди. У том матнода, умуминсоний қадриятлар сирасига кирди.

Кинофестивал иштирокчилари саёҳатлари ниҳоясида музейнинг хотира дафтарида ўз тилакларини ёзиб қолдиришди. Шундан сўнг улар пойтахтимизнинг диққатга сазовар жойларини кўздан кечиришди.

Биз ҳам имкон топиб, фестивал қатнашчиларини суҳбатга тортидик.

**Турағия ҚАЛИМБЕТОВ,**  
«Қорақалпоқкино» компанияси раисининг биринчи ўринбосари, кинорежиссёр:



## ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

XII Тошкент халқаро кинофестивали очилиши арафасида Асакадан хушхабар олган эдик. «УзДЭУавто» корхонаси бош директори Ш. Юсуповнинг бизга маълум қилишича, завод ишчи-хизматчилари ҳам мазкур санъат анжуманига катта қизиқиш билан қарашаётган экан. Улар фестивал голибларига ўз совғаларини таъсис этишга ҳарор қилишибди. Ана шу мақсадда битта «Нексия» автомашинаси соврин сифатида ажратилибди. Демак, фестивал ниҳоясида омадли иштирокчилардан бири ўз уйига ўзбек автомобилни миниб қайтди.




Қувончи жиҳати, асакаликларнинг ушбу ташаббуси бошқа жойларда ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Буни фестивал ҳомийларининг сафи тобора кенгайиб бораётганлиги ҳам яққол исботлайди.

— «Қорақалпоқкино» давлат акционерлик компанияси 1990 йили ташкил этилган эди. Шундан бери бир қанча ишларни амалга оширдик. Бу йил эса Хиндистон кино усталари томонидан суратга олинган «Муҳаббат учун кураш» номли икки серияли бадий фильмни қорақалпоқ тилида дубляж қилдик. Шунингдек, ёзувчи Чингиз Айтматов асарига «Қирғизфильм»да ишланган «Буронли бекат» фильмининг ҳам қорақалпоқ тилига ўтиралиши. Умуман айтганда, «Гум-гум» номли қисқа метражли



фильм эса Сан-Францискода «Гранд-при» совринига сазовор бўлганлиги бизни жуда қувонтири. Айни пайтда «Оролқум» деб аталган ҳужжатли фильмнинг ҳам суратга олиш ишлари ниҳоясига етказилди. Дарвоқе, ўтган йили Голландиянинг «Берган» киностудияси билан ҳамкорликда «Чиптасиз одам» номли бадий фильм яратган эдик. Нукус, Мўйноқ ва Голландияда ишланган бу фильмда ёш, истеъдодли ўзбек киноактёри Бехзод Муҳаммадкаримов бош ролни ижро этган.

Бир сўз билан айтганда, «Қорақалпоқкино» ижодкорлари ҳам самарали меҳнат қилишяпти. Бу борада «Ўзбекино» раҳбарлари ўз ёрдамларини аямаётганликлари алоҳида таъкидламоқчи эдим. Тошкент



кинофестивалида иштирок этаётганидан бениҳоя мамнунман. Чунки бу ерда намойиш этилаётган фильмлар, жаҳон кино усталари билан мулоқот ва фикр алмашувлар биз учун ҳам жуда фойдали бўлиши, шубҳасиз.

**Симаи ТЪЯН,** киноактриса (Хиндистон):

— Шу пайтгача кўпга хитой кинофильмларида суратга тушганман. Мақтанмиш деб тушунмангун, очиги, мамлакатимиздаги кўп миллионли кино мухлислари мени жуда севинишди. Чунки, кинодаги ижроларим уларнинг кўнгилларидан жой олган-да. Тошкент фестивалига олиб келган фильмимизда ҳам бош роллардан бирини ижро этганман. Ментга кўпроқ кинода



оққўнғил, меҳрибон аёллар образини яратиш ёқди. Бал-

ки шунинг учун ҳам одамлар мени яхши кўришар.

Тошкент фестивалига катта ниятлар билан келдим. Негаки, мана шундай халқаро кино анжуманларда иштирок этиб, фильмларимизни хорижий томошабинлар эътиборига ҳавола қилиш — энг катта орзум эди. Бу ерда бизни очик чехра, хушнудлик билан кутиб олишди. Шахрининг кўчалари байрамона безатилганлигини ҳам айтиб ўтмасам бўлмас. Умуман айтганда, Тошкент кинофестивали жуда гўзал тарзда ўтаётти.

**Киран ЖУНЕЙТА,** актриса, продюссер, режиссёр (Хиндистон):

— Шу пайтга қадар ўнганча фильмда суратга тушганман. Ўзбек томошабинларига ҳам яхши таниш бўлган «Маҳобҳорат» фильмида Ганга сувидан чиққан она ролини ижро этганман. Хиндистондаги «Сони» телеканалда мен рол ижро этган «Қисмат» номли 75 қисмдан иборат телесериал муваффақиятли намойиш этилди. Инсоннинг ижтимоий муаммолари ҳақида ҳикоя қилувчи бу фильм кўпчилик томошабинлар кўнглидан жой олганлиги мени қувонтирди. Турмуш ўртоғим Рамеш Сини ҳам режиссёр, таниқли ҳинд киноактёри Амитабх Баччан

билан ҳамкорликда «Шакти», «Шоал», «Сага», «Шон» сингари қатор фильмлар ишлаган. Шахсий ҳаётдагидек, ижодда ҳам иккала-миз ҳамнафасмиз. Биз бирликда ишлаган «Бунёд» номли телесериалга эса Хиндистон ўз мустақиллигини қўлга киритган 1947 йилдан то бутунги кунгача бўлган воқеалар асос қилиб олинган эди. Турмуш ўртоғим ҳозир янги телесериални суратга олиш билан банд бўлганлиги сабабли Тошкентга кела олмади. Насиб этса, кейинги фестивалларга албатта бирга келамиз, дея ният қилиб



қўйганмиз. Чунки, Тошкент кинофестивалини барча ҳинд кино усталари сингари, биз ҳам жуда ҳурмат қиламиз.

Кеча пешиндан кейин меҳмонлар кинофестивалнинг танлов кўригига тақдим этилган фильмлар намойишига йўл олишди. Энг қувончлиси, кўрinning биринчи кунидаёқ ўзбекистонлик киночилар суратга олган «Буюк Амир Темур» ва «Атроф оппоқ қорга бурканди» фильмлари ҳайрат эътиборига ҳавола қилинди. Баҳоси... ҳозирча номаълум. Чунки ҳақиқий синовлар энди бошланяпти-да.

Бутун эса анжуман иштирокчилари қадимий Самарқанд шаҳрига жунаб кетишди.

## «КИНО БАЙРАМИНИ ОВРУПОГА ОЛИБ КЎРСАТАМИЗ»

**Кинофестивал тиниқи ёритиш учун Туркиядан келган шакили тележурналист, «TRT — Avrasya» каналининг дастурлари раҳбари Ходи ШЕНОЛ шундай дейди:**

— Тошкент кинофестивали беш йиллик танаффусдан сўнг яна ўтказилаётганини эшитиб, қалбларимиз гурурга тўлди. Мазлумки, кинофестивалларни ташкил қилиш анча машаққатли ишдир. Тошкент кинофестивалининг собиқ СССР даврида ҳам ҳамма ўзига хос ўрни ва обрўси бўлган. Шунинг учун бу байрамнинг унутилишига асло йўл қўйиб бўлмади. Мустақил Ўзбекистон эски анъаналарни қайта тиклаб, миллионлаб киносевадорлар ва кино ижодкорлар эътиборига ажойиб байрамни — кинофестивални ҳавола қилмоқда. Зеро, бундай халқаро анжуманлар турли миллатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди.

Туркия давлат телевидениесининг алоҳида иккита дастури чет эллик томошабинларга мўлжалланган. Булардан бири — «TRT INT Avrasya» канали кўрсатувлари Марказий Осиё ва Кавказ республикаларида намойиш қилинади, иккинчиси — «TRT INT» Фарбий Овруро мамлакатларида кўрсатилади. Биз Тошкент кинофестивалида суратга олган лавҳаларимизни Туркияда кўрсатибгина қолмай, балки ана шу каналлар орқали ҳам намойиш қиламиз. Шу йўл билан ўша давлатларда яшовчилар ҳам Тошкент халқаро кинофестивали билан танишиш имконига эга бўладилар. Бу борада анчагина тажрибага эгамиз — Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Самарқандда ўтказилган танталарни ва Тошкентдаги миллий боғда ўтказилган Наврўз байрамини телевидение орқали бевосита олиб кўрсатганмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, кинофестивал ишига катта муваффақиятлар, ўзбекистонлик қардошларимизга эса бахт-саодат тилайман.

Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ ёзиб олди.



СУРАТЛАРДА: фестиваль меҳмонлари мухлислар даврасида.

## ФЕСТИВАЛЬ ҲАЙЪАТИ

**Ҳайъат раиси** — Чингиз АЙТМАТОВ, ёзувчи, сценарийчи (Қирғизистон)

**Ҳайъат аъзолари** — Гулчехра ЖАМИЛОВА, кино ва театр актрисаси (Ўзбекистон)

— Владимир МЕНЬШОВ, кинорежиссёр, киноактёр (Россия)

— Менико ОКАМОТО, кинорежиссёр (Япония)

— Пьер Анри САЛЬФАТИ, кинорежиссёр (Франция)

— Мехмет ТЕНГРИСЕВЕР, кинорежиссёр (Туркия)

— Се ФЕЙ, кинотанқидчи, кинорежиссёр (ХХР).

— «Буюк Амир Темур» (Ўзбекистон). Режиссёрлари — И. Эргашев, Б. Солиқов. Буюк лашкарбоши ва давлат арбоби Амир Темур ҳаётига бағишланган тарихий эпопеянинг биринчи қисми.

— «Атроф оппоқ қорга бурканди» (Ўзбекистон).

## ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНЛОВ КЎРИГИГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ФИЛЬМЛАР ДАСТУРИ

Сценарий муаллифи ва режиссёри — Қ. Камолова. Онасида жудо бўлган қизча ҳақидаги поэтик ҳикоя.

— «Ажлархо шаҳрининг тарихи» (ХХР).

Режиссёри — Я. Ф. Ян. Иккита сулоланнинг ёлашиши ва унинг оғир оқибатлари ҳақида.

— «Абай» (Қозғоғистон). Режиссёри — А. Амиркулов.

Буюк адиб Абай Қўнонбоевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида.

— «Ўтмиш кўланкаси» (Грузия). Режиссёри — Р. Туберидзе. Фильм воқеалари

XV асарда Грузияда — мамлакат майда-майда князликларга бўлиниб кетган бир даврда кечди.

## XII ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ КИНОФЕСТИВАЛИДА АХБОРОТ ТАРЗИДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИГАН ФИЛЬМЛАР РЎЙҲАТИ

**«КАТТА АРЧАЛИ ОДАМ»**

Фильм режиссёри — Б. Мамедов.

Ушбу фильм одамларни атроф-муҳитни асраб-авайлашга ва муҳофаза этишга ундайди.

Зеро, асар қаҳрамони ҳам табиатнинг ашаддий шайдоси. У бошқалар олдида ҳам худди шундай талаб қўяди. Афсуски, табиатнинг инсон иродасига бўйсунмас қонунилари бор. Ундаги жамки нарсалар-ҳодисалар бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ. Буларни ҳисобга ол-

масликнинг эса асло иложи йўқ.

(Туркманистон)

**«ЖАҲАННАМ»**

Фильм режиссёри — Клод Шабрель.

Бехуда раиш оилага қуфлат келтирди, кишини тубанлик сари чиқарди. Фильмдан келиб чиқадиган мантиқий ҳулоса ана шундай.

(Франция)

**«МУҲАББАТ САВДОСИ»**

Фильм режиссёри — Риши Капур.

Мелодрама жанрида суратга олинган бу фильм севишганлар бир-бирининг висолита этишгунча энгиз ўтишлари лозим бўлган мушкуллар талқинига бағишланган. Ҳар қалай, гул тикансиз бўлмайди...

Хиндистон

**«ТУБСИЗ КЎЛ»**

Фильм режиссёри — Кэй Кумай.

Бир қиз ҳар хил динларнинг тарихи билан қизиқадиган йигитни севиб қолади ва уни

деб индуизм динини қабул қилади.

(Япония)

**«ЛАУРИ АДЛЕРНИНГ СЎНГИ МУҲАББАТИ»**

Фильм режиссёри ва сценарий муаллифи — Авраам Хэфнер. Чекка бир шаҳарда ўз ишқий уй-ҳаёллари билан яшаётган театр актрисаси беда-

во дарга чалинганни ногаҳон билиб қолади ва даҳшатга тушади.

(Испания)

**«НОМУС»**

Фильм режиссёри — Улжон Колдаулова.

Ўз қизини бадавлат бой вачага беришни истамаган оиланинг ғам-ташвишлари ҳақида ҳикоя қиладиган мелодрама.

(Қозғоғистон)

Саҳифани «Халқ сўзи» мухбирлари Норқобил ЖАЛИЛ, Фафур ШЕРМУҲАММАД, Тулқин КАРИМОВЛАР тайёрлашди.

**ХАЛҚ СЎЗИ**  
НАРОДНОЕ СЛОВО

**Бош муҳаррир**  
Аббосхон УСМОНОВ

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

**БЎЛИМЛАР:**  
Парламент 33-57-34;  
Хатлар 33-07-48;  
Хўжуқ ва қонунчилик  
36-37-85;  
Иқтисодийёт 36-36-65, 36-07-94;  
Маънавият 36-35-60;  
Тунги муҳарририят 33-10-28;  
Эълонлар 36-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001  
Буортма Г — 0298, 40.290 нусxada босилди,  
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.  
Қоғоз бичими А—2  
Газета ИВМ компьютерида терилди ва  
оператор Рустам АЗИМОВ томонидан  
саҳифаланди.

**● МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Худоев.  
Навбатчи — Ш. Каримов.  
Мусахҳиҳ — А. Худойкулов.